

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.ФМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

КУРБОНОВ МИРТЕМИР ШОДИЕВИЧ

**ТЕХНИК КРЕМНИЙ ВА КРЕМНИЙЛИ ҚОТИШМАЛАРНИНГ
ЭРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of science (DSc)

Курбонов Миртемир Шодиевич

Техник кремний ва кремнийли қотишмаларнинг эритиш

технологиясини такомиллаштириш 3

Курбонов Миртемир Шодиевич

Совершенствование технологии выплавки технического кремния и

кремнистых сплавов 27

Kurbonov Mirtemir Shodievich

Perfection of the technology of smelting of technical silicon and

siliceous alloys 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.ФМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

КУРБОНОВ МИРТЕМИР ШОДИЕВИЧ

**ТЕХНИК КРЕМНИЙ ВА КРЕМНИЙЛИ ҚОТИШМАЛАРНИНГ
ЭРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.DSc/T195 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ашуров Хатам Бахронович**
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Ёлкин Константин Сергеевич**
техника фанлари доктори, профессор

Шарипов Хасан Турапович
кимё фанлари доктори, профессор

Алиев Райимжон
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Навоий давлат кончилик институти**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (+99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.

Докторлик диссертацияси билан Физика-техника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй, Физика-техника институти. Тел./факс: (+99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Р. Авезова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

О.А. Абдулхаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. фалсафа доктори

Н. Талипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруряти. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида техник кремний ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 2,2 млн.т.ни, кремнийнинг темир билан қотишмаси – ферросилицийнинг ҳажми эса - 7,5 млн.т.ни ташкил этади. Амалиётда қўлланилаётган кремний ва кремнийли қотишмаларни эритишнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳамда бир вақтнинг ўзида маҳсулот сифатини оширишга ва унинг таннархини пасайтиришга имкон берувчи янги технологик усуллар ва услубларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир. Бу борада энергия ва ресурс тежамкорлигига ва янги самарали углеродли тикловчиларни излаш ва аниқлаш, уларнинг комбинацияларидан фойдаланиш орқали шихталарнинг тикловчи хусусиятларини яхшилашга йўналтирилган шихтали материалларни эритишга тайёрлаш тамойилларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда техник кремний ва унинг қотишмаларини ишлаб чиқариш жараёнида кўп миқдордаги экологик зарарли, майда дисперсли, кремний чанглари ҳосил бўлиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш масалалари бўйича кўп илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунинг учун, шихта материаллари тайёрлашнинг янги усулларини яратиш, альтернатив хомашё материалларидан фойдаланиш ва кремний ишлаб чиқариш техноген чиқиндиларини асосий ишлаб чиқариш жараёнига қайтариш орқали қайта ишлашга ҳамда бир вақтнинг ўзида экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикада илм-фан ривожига, жумладан, техник кремний ва кремнийли қотишмаларни олиш технологиясини ва уларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада мамлакатимизда охириги йилларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, Навоий шаҳрида техник кремний, Ангрен ва Бекобод шаҳарларида кремнийли қотишмаларни ишлаб чиқариш амалга оширилди ва юқори сифатли импорт ўрнини босувчи материаллар олишга эришилди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш стратегиясига асосан «иктисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашёга асосланган, энергия ва ресурс тежамкорлигига йўналтирилган кремний ва кремнийли қотишмаларни эритишнинг замонавий технологияларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни жадаллаштириш тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги», VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Техник кремний ва кремнийли қотишмаларни олишнинг самарали усулларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, Elkem Group, Norwegian University of Science and Technology (Норвегия), Ferro Atlantica (Испания), Global Speciality Metals (США), Technical University of Berlin, SMS Siemag (Германия), ОК «Русал», Иркутск давлат техника университети (Россия), Украина Миллий металлургия академияси (Украина), Кимё-металлургия институти (Қозоғистон), Ион-плазма ва лазер технологиялари ва Физика-техника институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда техник кремний ва унинг қотишмаларини олиш технологиясини такомиллаштириш йўналишида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: брикетларнинг мустаҳкамлиги ва уларни ташиш имкониятларини яхшилаш мақсадида термоишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган (Global Speciality Metals, АҚШ; Elkem Group, Норвегия); кремний ва ферросилиций олиш учун табиий газ (CH_4 -метан)ни қўллаш имкониятлари тадқиқ қилинган ва ундан кўп босқичли жараёнда фойдаланишга асосланган усул ишлаб чиқилган (Norwegian University of Science and Technology, Норвегия; Ўта тоза материаллар илмий-тадқиқот институти, Россия); гидролизли биокимё ишлаб чиқаришидаги чиқинди – лигнин, тошкўмирларни термик ишлов беришдаги маҳсулотлар ва пиролиз маҳсулотлари – торфли коксларни кремний ва ферросилиций эритишда углеродли тикловчи сифатида қўллаш мумкинлиги кўрсатилган (Иркутск давлат техника университети, Россия); техник кремний олиш учун

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:

<https://worldwidescience.org/topicpages/s/silicone+based+materials.html>;

<http://adsabs.harvard.edu/abs/>;

<http://www.pyrometallurgy.co.za/InfaconXIII/0283>; <http://pyrometallurgy.co.za/> ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

бойитилган кўмир («дирексил»)дан қаттиқ углеродли тикловчилар ва гуруч шелухаси асосида кремнийуглеродли янги композит материаллар олиш усуллари ишлаб чиқилган (Кимё-металлургия институти, Қозоғистон); Бойсун кони тошкўмиридан фойдаланиб, кули 3% дан кўп бўлмаган ва кремний ишлаб чиқаришга яроқли полукокс олиш мумкинлиги кўрсатилган («Мелма» илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон).

Ҳозирда жаҳонда техник кремний ва унинг қотишмаларини олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: янги углеродли тикловчиларни излаш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш; кремний ва кремнийли қотишмалар ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган майда дисперсли ва чанг кўринишидаги экологик зарарли чиқиндилардан шихта тайёрлашда фойдаланишнинг усуллари ишлаб чиқиш; хом-ашё ва энергия тежамкорлигига асосланган кремний ва унинг қотишмаларини эритишнинг истиқболли технологияларини ўзлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электротермик усулда техник кремний олиш бўйича В.Н. Веригин раҳбарлигида бир қатор олимлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Саноат ишлаб чиқариши шароитларида В.А. Ткаченко гуруҳи томонидан турли конлар кварцитлари текширув синовларидан ўтказилган ва ҳар хил углеродли тикловчиларнинг яроқлилик даражалари баҳоланган. Саноат миқёсида бир фазали (Россияда) ҳамда уч фазали (США, Италия, Францияда) очиқ типдаги электр ёйли печларда кремний олиш технологияси ишлаб чиқилган. Норвегиянинг «Элкем» компанияси, Фан ва технологиялар университети, Россиянинг «Русал» компанияси ва Иркутск давлат техник университети, Хитойнинг Канминг Фан ва технологиялари университетларида рудатикловчи электропечлар конструкцияларини, кремний ва унинг қотишмаларини эритиш технологиясини такомиллаштириш бўйича фаол назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилган.

J.Vangskasen, M. Tangstad (Норвегия), W. Lin, L.Man, D.Yongnian, M.Wenhui (Китай), В. Хакалаше (Жанубий Африка), К.Ёлкин, Н. Толстогузов, О.Катков, Б.Зельберглар (Россия) кремний ва юқори кремнийли қотишмаларни тиклаш механизми устида тадқиқотлар олиб боришган, шихтани эритиш ва уни печга юклашнинг янги усуллари, шу жумладан кварцит, тикловчи ва дарахт қипиғидан иборат аралашмани ичи ковак электрод орқали печга юклаш усуллари ишлаб чиққанлар.

P.Hannesson, V.Sigurdsson, V.Kloytz, Н. Немчинова, Л.Черняховскийлар кремнийли ферроқотишмаларни эритишда кўпроқ қўлланиладиган рудауглеродли композицияларни олиш, яъни шихтани ташкил қилувчи руда ва углеродни биргаликда бўлаклаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказганлар. Ўтказилган тадқиқотлар шихта материалларини эритишга тайёрлаш усуллари ҳамда кремний ва кремнийли қотишмаларни олиш жараёнини кремний ва углеродли материаллардан тайёрланган брикетлардан фойдаланиш орқали оптималлаштиришга имкон берган.

Ўзбекистонлик олимлар Абдурахманов К.П., Абдурахманов Б.М. ва Костецкий М.А. томонидан маҳаллий хомашёдан фойдаланиб, техник кремний олиш имкониятлари электр ёйли печда олиб борилган тажрибалар асосида ўрганилган ва Kp1 маркали техник кремний олиш мумкинлиги аниқланган.

Мавжуд ишлар таҳлиliga кўра, кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш технологиясини такомиллаштириш масалалари амалда ҳал қилинмаган. Ҳозиргача технологик жараёнда кўп энергия сарфланиши, қиммат хомашё материалларини талаб қилиниши ва шихта материалларини эритишга такомиллашмаган тайёрлаш тизимидан фойдаланиш давом этиб келмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган катта миқдордаги чиқиндиларни қайта ишлаш йўлга қўйилмаган ва бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларнинг етарли эмаслиги билан изоҳланиб, ушбу диссертация ишининг мазмуни ҳам шунга бағишланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ИК-918 (2011-2012 йй.) «Қуёш энергияси учун ноанъанавий тикловчилардан фойдаланиб юқори тозаликдаги техник кремний олиш технологияси», ИК-2013-1 (2013-2014 йй.) «Электр ёйли печда маҳаллий кварц қумидан техник кремний олиш технологиясини ўзлаштириш», ФА-И7-Ф007 (2015-2016 йй.) «Брикетланган шихтадан фойдаланиб ферросилиций олиш технологияси», ИОТ-2017-2-9 (2017-2018 йй.) «Ферросилиций ва кремний ишлаб чиқаришдаги майда дисперсли чиқиндиларни жараёнга қайтариш технологиясини ўзлаштириш» илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё манбаалари ва альтернатив углерод тикловчилардан фойдаланган ҳолда руда тикловчи электр ёйли печда техник кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

техник кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш тажрибаларини ўтказиш учун зарур техник инфратузилмалар ва тажрибавий рудатикловчи доимий токли электр ёйли печни ишлаб чиқиш ва яратиш;

Ўзбекистоннинг минерал хомашё базасини таҳлил қилиш ва юқори маркали техник кремний ишлаб чиқаришга яроқли таркибида кремний бўлган хом-ашёларни тажриба йўли билан аниқлаш, кремний ва унинг қотишмаларини эритишда ишлатиладиган анъанавий углеродли тикловчиларни тўла ёки қисман алмаштириш имконини берувчи алтернатив углеродли тикловчиларни излаш;

кремний ва унинг қотишмаларини ишлаб чиқариш учун кремнийли хомашёларнинг янги манбааларини аниқлаш, маҳаллий кварц қумларининг

асосий физик-кимёвий тавсифларини аниқлаш ва уларни самарали ҳамда энергия тежамкор бойитиш усулларини танлаш;

боғловчи модда асосида маҳаллий кварц кумлари ва углеродли тикловчиларни брикетлаш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда техник кремний ва кремнийли қотишмаларни электр ёйли печларда эритишга яроқли брикетларни олиш ва уларни синовдан ўтказиш;

табiiй газни (метанни) асосий углеродли тикловчи сифатида электр ёйли печга етказиб бериш усулини ишлаб чиқиш;

маҳаллий хомашё манбаалари ва алтернатив углеродли тикловчилар асосида техник кремний ва кремнийли қотишмаларни (турли маркали ферросилиций) олишнинг карботермик жараёнидаги технологик операцияларни такомиллаштириш;

Ангрен шаҳри ферросилиций ишлаб чиқариш заводи майда дисперсли чиқиндиларининг асосий хусусиятлари ва тавсифларини ўрганиш;

ферросилиций ишлаб чиқаришдаги майда дисперсли чиқиндиларни брикетлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва брикетлар тайёрлаш;

майда дисперсли чиқиндилардан тайёрланган брикетланган шихтадан фойдаланиб техник кремний и кремнийли қотишмаларни эритиш технологиясини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти таркибида кремнезём бўлган Ўзбекистоннинг турли конларига тегишли томирли кварц ва кварц кумлари кўринишидаги хомашё, углеродли тикловчилар, углеродли тикловчи ва кварцдан иборат брикетлар, кремний и ферросилиций ишлаб чиқаришдаги саноат чиқиндилари ва уларни ташкил этувчи брикетлар ҳамда ўзгармас токли электр ёйли печдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети техник кремний ва кремнийли қотишмаларни тиклашнинг физик-кимёвий жараёнлари, таркибида углерод ва кремнезем бўлган материаллардан брикетлар тайёрлаш ва уларни синовдан ўтказиш, брикетларнинг физик ва механик хусусиятлари, брикетланган шихталарни электр ёйли эритиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида масс-спектрометрия ва рентгенофлуоресцентция усулларида ва майда дисперсли ҳамда майда фракцияли сочилувчи материалларни элакдан ўтказиш орқали таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

печнинг электр ёйи ёниш зонасига метанни узатиб беришни назарда тутувчи кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш усули ишлаб чиқилган;

боғловчи сифатида натрийли суюқ шиша ишлатиб, маҳаллий кварц кумлари ва углеродли тикловчилардан ташкил топган брикетланган шихтадан фойдаланиш асосида кремний ва унинг қотишмаларини электр ёйли эритиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор маҳаллий кварц томиридан тозалиги 99,0% дан кам бўлмаган олий маркадаги техник кремний олиш мумкинлиги асосланган;

анъанавий тикловчиларни қўллаб, бўлакчи шихтадан фойдаланишга асосланган технологияга нисбатан, ишлаб чиқилган технология – брикетланган шихта асосида техник кремний ва ферросилиций эритиш жараёнида солиштирма электр энергия сарфини, мос равишда, 8–10 % ва 16–20 % га камайтириши аниқланган;

майда дисперсли шихта чиқиндилари ҳамда кремний ва кремнийли қотишмалар ишлаб чиқаришнинг газ тозалаш системаси чанги – микрокремнеземни брикетлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

техник кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш учун зарур техник инфратузилмалар ва тажрибавий рудатикловчи ўзгармас тоқли электр ёйли печ ишлаб чиқилган;

боғловчи модда асосида маҳаллий кварц кумлари, майда дисперсли углеродли тикловчилар ва микрокремнеземни брикетлаш технологияси ишлаб чиқилган;

кремний ва унинг қотишмаларини ишлаб чиқариш учун маҳаллий кварц кумларидан фойдаланиш имконияти асосланган;

брикетлаш усулидан саноатнинг металлургия корхоналарида руда концентратларини эритиш технологияларини ишлаб чиқишда ва тўпланиб қолган ҳамда мунтазам пайдо бўлиб турадиган чиқиндилардан металлургияда хомашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги металлургиядаги замонавий усул ва ёндошувлардан фойдаланилганлиги билан асосланади. Ишнинг ҳар бир босқичида юқори аниқликдаги замонавий аналитик қурилмалардан фойдаланилган ҳолда тадқиқотлар ва тажриба шарт-шароитлари батафсил таҳлил қилинган. Олинган натижалар ва ҳулосалар руда тикловчи печларда кремний ва унинг қотишмаларини карботермик тиклашга бағишланган назарий ишларнинг асосий ҳолатларига асосланган бўлиб, бошқа муаллифларнинг олган натижалари билан тўлиқ мос тушади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кремний ва унинг қотишмаларини маҳаллий кварц кумлари, кремний ва унинг қотишмалари ишлаб чиқаришида пайдо бўладиган чиқиндилардан тайёрланган шихталарни брикетлашдан фойдаланган ҳолда кремний ва ферросилицийни эритишнинг янги технологияларини ишлаб чиқилганлиги ва асосланганлиги, ноанъанавий тикловчи сифатида табиий газдан фойдаланиш мумкинлиги илмий асослаб берилганлиги, шунингдек кремний ва кремнийли қотишмаларни карботермик тиклаш жараёнларини жиддий яхшилаш ва ишлаб чиқилган технологиялардан назарий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган майда дисперсли чиқиндиларни брикетлаш технологияси металлургия, тоғ жинсларини қазиб олиш саноати ва энергетик-ёнилғи комплексларида пайдо бўладиган саноат чиқиндиларини хомашё сифатида ишлаб чиқаришга қайтариш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техник кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

техник кремний олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (№IAP 05440, 2014 й.) олинган. Натижада кремний олишнинг янги технологияси қиммат кварцитлар ва томир кварцини ўрнига маҳаллий кварц кумларидан фойдаланиш, импорт қилинувчи анъанавий углеродли тикловчиларни 80 % ни табиий газга алмаштириш ва солиштирма электр энергия сарфини 8–10 % га камайтириш имконини берган;

ферросилицийни эритиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (№IAP 05557, 2015 й.) олинган. Натижада ферросилиций олишнинг янги технологияси қиммат кремнийли хомашё ва углеродли тикловчилар ўрнига кремний ва кремнийли қотишмалар ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган майда дисперсли чиқиндилардан фойдаланиш, углеродли тикловчиларни 80 % ни табиий газга алмаштириш ва солиштирма электр энергия сарфини 16–20 % га камайтириш имконини берган;

ферросилицийни янги эритиш усули «Uz-Shindong Silicon» кўшма корхонасининг Ангрен шаҳридаги ферросилиций ишлаб чиқариш заводида жорий этилган («Uz-Shindong Silicon» Ўзбекистон Корея кўшма корхонасининг 2018 йил 5 апрелдаги 91–Т–сон маълумотномаси). Натижада янги эритиш усули 1 т маҳсулот ишлаб чиқариш учун 205 кг кварцит ва 140 кг коксни тежаш имконини берган;

кремний эритиш технологияси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси тизимида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 2 апрелдаги 06–906–сон маълумотномаси). Натижада «Оқбуйро» кварц томири таркиби 99,2– 99,3% бўлган олий марказдаги техник кремний ишлаб чиқариш учун яроқлилиги тўғрисида хулоса қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та иш эълон қилинган. Шулардан 13 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда, шу жумладан 2 таси халқаро журналларда, 11 таси республика миқёсидаги журналларда нашр этилган, 2 та ихтиро учун патент олинган ва 2 та монография чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Техник кремний ва кремнийли қотишмаларни олиш технологияси**» деб номланган биринчи бобида техник кремний и кремнийли қотишмаларни эритиш технологияларини такомиллаштириш соҳаси бўйича адабиётларда келтирилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Кремний и кремний асосли қотишмаларни эритиш технологияларининг ҳали ҳануз такомиллаштирилмаганлиги ва уларда қатор ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлиги кўрсатиб берилган.

Технологияларни такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур деб хулоса қилинган:

юқори сифатли техник кремний олиш учун яроқли ҳамда техник кремний ва кремнийли қотишмаларни саноатда ишлаб чиқариш учун маҳаллий хомашё базаларини кенгайтириш, янги манбааларини излаш;

анъанавий қиммат ва четдан келтириладиган углеродли тикловчиларни алмаштириш имконини берувчи самарали альтернатив углеродли тикловчиларни излаш;

аниқланган хомашёларнинг янги манбаалари асосида кремнеземни карботермик тиклашнинг технологик операцияларини такомиллаштириш.

Диссертациянинг «**Экспериментал технологик база, тадқиқотнинг объектлари, асбоб-ускуналар ва тадқиқотнинг усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба тадқиқотларини ўтказиш учун объектлар танлаш баён қилинган ва асосланган. Яратилган 125 кВт қувватли ўзгармас токда ишловчи электр ёйли печ экспериментал қурилмасининг тузилиши ва ишлаш тамойиллари тўғрисида маълумотлар келтирилган, уни йиғиш ва ишга туширишнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Экспериментал қурилманинг конструкцияси совутиладиган ёпиқ қопқоқли ва остки таглигидан ток ўтказувчи ўзгармас токли катталаштирилган электр ёйли лаборатория печи кўринишида қилинган. Бундай конструкция ўзгарувчан токли очиқ типдаги ёйли печларга қараганда бир қатор афзалликларга эга бўлиб, шихта материаллари ва энергия сарфини камайтириш имконини беради. Кремний ва унинг қотишмаларини электр ёйли печларда эритиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тажрибалар ўтказиш учун технологик инфратузилма тайёрланди. Шундан келиб чиққан ҳолда технологик соҳа қурилмалари қуйидагилардан ташкил топди: электр ёйли печ, печ трансформатори ва ўзгармас токни тўғирлаш блоки, сув билан совутиш тизими, табиий газни узатиш учун газ тақсимлагичнинг компрессор тармоқлари ва вентиляция. Яратилган экспериментал қурилманинг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган.

Печда кремнезем ва метан реакциясини самарали амалга ошириш учун метанни бевосита печнинг юқори температурали қисмига етказиб бериш зарур. Шундан келиб чиқиб, ичи ковак графитли юқори электрод орқали метанни электр ёйли печнинг ёниш соҳасига узатиш усули амалга оширилди.




1-расм. Экспериментал қурилманинг умумий кўриниши

Ишлаб чиқилган усулнинг янги ва энг муҳим элементи ичи ковак графитли электроднинг марказий тирқиши орқали печга узатиладиган метаннинг парчаланишидир. Бу усулнинг асоси никелдан ясалган катализаторнинг қизиган сирти билан газнинг ўзаро таъсирлашиши натижасида метаннинг водород ва углеродга парчаланиш физик ҳодисасидир. Айни шу физик ҳодиса ушбу усулда қўлланилган бўлиб, у туфайли метан (CH_4) нинг реакция қобиляти ортади. Углерод ва водород печга кириб, асосий (SiO_2 , SiO , SiC) ва ихтиёрий таркибида кислород бўлган, электр ёйли жараёнда ҳосил бўладиган технологик жараёнлар комплекслари билан ўзаро таъсирлашади.

2-расмда метандан фойдаланган ҳолда кремний ва кремнийли қотишмаларни эритиш амалга оширилган электр ёйли печнинг схемаси келтирилган. Метанни узатиб бериш ва уни пуркалаши металл трос ёрдамида графит электроди ўқи бўйлаб силжиш имкониятига эга никель катализатор орқали амалга оширилган. Метаннинг ўзига хос ҳаракати ингичка стрелкалар ёрдамида кўрсатилган.

Никелли катализатор температурасини бошқариш уни ичи ковак графитли электрод ўқи бўйлаб оддий силжитиш орқали амалга оширилади. Ичи ковак графитли электрод ичида жойлашган берк таглик ва ён томонларида тирқишлар мавжуд бўлган ичи ковак цилиндрик шаклда никелдан тайёрланган катализатор CH_4 ичида қолади, бу эса қиздирилган катализаторнинг катта сиртига CH_4 молекулалари диссоциациялари маҳсулотларининг бевосита тегиб туришини таъминлайди. Кремнеземнинг тикланиш реакцияларида CH_4 молекулаларининг парчаланишида углерод атомларидан ташқари яна тўртта водород атоми қатнашади. CH_4 нинг юқори ионлашиш қобиляти айнан шу билан тушунтирилади, бу эса ушбу усулни амалга оширишда таркибида углерод бўлган кўплаб моддалардан фойдаланиш имконини беради.



2-расм. Печнинг юқори температурали соҳасига табиий газни етказиб бериш усулини акс эттирувчи электр ёйли печ схемаси:

1– печ корпуси, 2– печ қопқоғи, 3 – диаметри 76 мм бўлган ичи бўш графитли электрод, 4 – шихта (брикетлар), 5 – электр ёйининг ёниш соҳаси, 6 – никелдан ясалган ионизатор, 7– металл трос.

Ишлаб чиқилган технологияни саноатда синовдан ўтказишда фойдаланилган Ангрен шаҳридаги «Uz-Shindong Silicon» МЧЖ қўшма корхонаси заводига тегишли саноат рудатикловчи электрпечининг асосий тавсифлари келтирилган ҳамда шихталарни тайёрлаш операциялари ва эритиш жараёнининг ўзи баён қилинган.

Диссертация ишида ИСР ва рентгенофлуоресцент масс-спектрометрлардан фойдаланиб, замонавий таҳлил қилиш имкониятига эга бўлган Давлат Геология қўмитасининг «Марказий лаборатория» ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг аккредитациядан ўтган лабораторияларида кварц кумлари, микрокремнезем ва олинган кремний ҳамда унинг қотишмаларининг кимёвий таҳлили натижалари келтирилган. Кварц кумларининг гранулометриқ таркибини аниқлашда элак усулидан фойдаланилган. Тайёрланган брикетлар лаборатория шароитида ҳамда мустақил равишда «Стром» илмий- текшириш ва синовдан ўтказиш Марказининг аккредитланган лабораториясида синовлардан ўтказилган.

«Ўзбекистон Республикасида техник кремний ва кремнийли қотишмаларни ишлаб чиқиш хом-ашё базаси» деб номланган учинчи бобда дунё амалиётида таърифланган хомашёларга қўйиладиган асосий талаблар таҳлили билан бир қаторда кварц, кварцит, кварц кумлари ва углеородли тикловчилар олинадиган конларнинг асосий тавсифларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу натижалар техник кремний ва кремнийли қотишмалар олишга яроқли таркибида кремний бўлган хомашё манбааларининг Ўзбекистон геологлари билан ҳамкорликда ўтказилган кенг қамровли таҳлил натижаларига асосланган. Олиб борилган катта ҳажмдаги тоғ қовлаш, бурғулаш ва лаборатория ишлари шуни кўрсатдики, ўтилган тоғларда кварц хомашёсини 115 та кварц томирларида P_1 ва P_2 категориялари бўйича ресурслар башоратини ҳисоблашга ва баҳолашга имкон берди. Юқорида қайд қилинган тоғлардаги кварц хомашёларининг ресурслар башорати ҳаммаси бўлиб 21,2 млн.тоннани ташкил қилади. Геологлар билан ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, саноатда ишлатилиши учун энг қулай ва истиқболли ресурслар башорати P_1 ва P_2 категориялари бўйича 7,6 млн.

тоннани ташкил этувчи Қоратепа тоғларида ўта тоза кварц томирлари борлиги аниқланди. Қоратепа тоғининг шимолида жойлашган №1 «Оқбуйро» кварц томирлари таркибида 99% дан юқори SiO_2 га эга бўлган тоза кварц хомашёси эканлиги аниқланди.

Оқбуйронинг кварц томирларидан олинган хомашё сифатини баҳолаш фақатгина кимёвий ва спектрал таҳлил усуллари билан эмас, балки ҳар 100 кг дан олинган технологик намуналарида кремний эритиш орқали ҳам баҳоланди. Кремнийни эритиш натижалари асосида ватанимиздаги кварц хомашёсидан, мазкур диссертациянинг бешинчи бобида баён этилган, юқори маркали KpO_0 техник кремний эритиш имкони кўрсатиб берилди.

Кремний ва унинг қотишмаларини ишлаб чиқариш маҳаллий хомашё базасини кварц томирлари ва кварцитлардан фойдаланиш билан бир қаторда маҳаллий кварц қумларини ҳам жалб қилиб кенгайтириш зарурияти қўйидаги ҳолатлардан келиб чиқади: биринчидан, қатор маҳаллий кварц қумлари юқори тозалikka эга, бу эса юқори маркали кремнийни эритиб олиш ва уни умумий ишлаб чиқаришида ҳам ўта муҳим. Иккинчидан, томир кварцларини қазиб олишга нисбатан, кварц қумларини қазиб олиш анчагина соддароқ усулларни талаб қилади. Учинчидан, Ўзбекистонда 96 тадан кўпроқ кварц ва кварц-далашпатли конлари кўринишида ғоят катта миқдорда табиий манбаалар мавжуд. Айниқса, қизилқум тоғ-кон ҳудудидаги кварц қумлари конлари катта қизиқиш ўйғотади, чунки улар таркибида кремний икки оксиди 98-99 % ни ташкил қилади. Республика саноат корхоналарининг яқинлиги ва шунингдек ташқи йўлларнинг қулайлиги бу кварц қумларидан кремний ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятларини оширади. Шундан келиб чиқиб, республика геологлари билан ҳамкорликда Навоий вилоятида жойлашган Жерой кони кварц қумлари ҳар томонлама ўрганилди. Коннинг захираси 26 млн.тоннани ташкил қилади. Тадқиқотлар бу қумлардан кремний ва кремнийли ферроқотишма - ферросилиций олиш мақсадида ўтказилди. Қумлар элаклаш, фракцияларга ажратиш ва ювиш каби содда ва тежамкор усулларда бойитилди.

Олиб борилган тадқиқотлар бойитишнинг оддий усуллари қўлланилганидан сўнг Жерой кварц қумларини SiO_2 бўйича 99,2 % гача тозалаш мумкинлигини кўрсатди. Кварц қумларининг доналарини тузилиши ва грануламетриқ таркиби ҳам ўрганилди. Ушбу тадқиқот натижалари бўйича Жерой қумларининг 85-90 фоизи 0,3-0,5 мм ли заррачалардан иборат эканлиги аниқланди. Бу жойлардаги қумларда 15 % доначалар бурчакли, 10 % доначалар кесилган, 75 % - маълум нуқсонлар билан ўралган ҳолда бўлиши аниқланди. Заррачаларнинг нотозалиги сиртини қопланганлиги билан характерланади.

Углеродли тикловчилар кремний ва кремний асосли қотишмаларни олишда карботермик жараённинг муҳим ва ажратиб бўлмайдиган компоненти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг металлургия ишлаб чиқариш корхоналари четдан харид қилиб олиб келинадиган кокс ва коксикларни истемол қилади. Лекин республикада кремний ва унинг қотишмаларини, хусусан ферросилицийни ишлаб чиқаришда фойдаланса

бўладиган углеродли тикловчиларнинг бошқа турлари мавжуд. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи нефт коксларини ишлаб чиқаради. Шунингдек тошкўмир қазиб олинган Бойсун ва Шарғун конлари мавжуд. Республикада мавжуд тикловчилар тавсифларини ўрганиш асосида улардан кремний ва кремнийли тикловчиларни эритишда фойдаланиш даражаси таҳлил қилинди. Фарғона нефт кокси таркибида олтингугуртнинг масса улуши > 6,0 %, умумий намлиги > 6 % ва бошқа қолдиқлар масса улушлари 70 % эканлиги аниқланди ва бу кўрсаткичлар уларнинг кремний ва кремнийли қотишмаларини эритишда яроқсиз эканлигини кўрсатади. Шарғун кўмири 25,5-30 % юқори даражада кулга эга бўлганлиги сабабли кремний ишлаб чиқариш саноати учун яроқсиздир. Ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 124 минг тоннани ташкил этган Бойсун кўмирлари кам куллилиги билан фарқ қилади. Уларни 550 °C ҳароратда ҳаво киритмасдан куйдириш орқали куллилиги 2,5% бўлган яримкўмирли кокс олиш мумкин ва бу кремний ва ферросилицийларни эритишга яроқлидир.

Энг истиқболли углеродли тикловчи Ўзбекистон ҳудудида етарлича катта захирага эга бўлган табиий газ (CH₄, метан) ҳисобланади. Маҳаллий табиий газ таркибининг кимёвий таҳлили шуни кўрсатадики, у 94% метан 3,29 % этан ва 0,5% пропандан иборат бўлиб, унинг деярли барча компонентлари кремнезем учун углеродли тикловчи бўла олади.


CH₄ нинг юқори даражадаги тозаллиги, куллилигининг йўқлиги ва реакцияга киришиш қобилятининг юқорилиги табиий газдан, бизнинг синов тажрибаларимизнинг кўрсатишича, энг юқори маркали кремний ва ҳар қандай маркадаги кремнийли ферроқотишмалар олишда фойдаланиш имконини беради.

«Кварц қумлари ва кремний ва кремний қотишмаларини ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндилар асосида брикетланган шихтани тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда натрийли суюқ шиша асосида майдадисперсли ва майдафракцияли материалларни металлургик қайта ишлаш учун брикетлашнинг янги методикаси ишлаб чиқилди. Электр ёйли печда эритиш учун керакли характеристикали брикетларни олиш учун экспериментлар ўтказилди.

Маҳаллий кварц қумларини брикетлаш ва углеродли тикловчиларни қўшиб ғовакли ва бир вақтнинг ўзида мустаҳкам тузилмалли брикетларни олиш учун қуйидаги турли вариантлар ўрганиб чиқилди: техник углерод, ёғоч қириндилари, кокс, техник кремний ва бирорта ҳам компонент қўшмасдан, фақат кварц қумдан иборат брикетлар тайёрланди. Боғловчи сифатида суюқ шишадан фойдаланган ҳолда брикетлаш методикасини ишлаб чиқишда биз структура ҳосил қилувчи жараёнлар боришини суюқ ва қаттиқ фаза ўзаро контактлашган вақтида улар чегараларидаги физик-кимёвий жараёнлар белгилаб беришини ва аралашмани зичлаштириш интенсивлиги ва пресслаш даврида зарраларнинг контактлашиш шартларига боғлиқ эканлигини инобатга олдик.


Ўтказилган тадқиқотлар тайёрланган брикетнинг мустаҳкамлиги суюқ шиша ва брикет компонентларининг миқдорига жиддий боғлиқлигини

кўрсатди. Тадқиқотлар натижасида аниқланган брикет мустаҳкамлигининг суюқ шиша ва дарахт қириндилари миқдориға боғлиқлиги 3-расмда келтирилган (расмдаги ҳар бир эгри чизиқ алоҳида экспериментга тегишли).



Суюқ шиша миқдори 3 дан 10 % гача ошганда, брикет мустаҳкамлиги 7-8 % га ошиши 3а-расмдан кўриниб турибди, шу билан бир қаторда, шундай брикетга уни ғовақлигини ошириш учун, масалан, ёғоч қириндилари қўшилганда, брикет мустаҳкамлиги 2,3 мартага камаяди.


Брикет ғовақлигига суюқ шиша миқдори, углеродли тикловчилар ва уларнинг фракциялари ўлчамларининг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. 4-расмда тайёрланган брикетлар ғовақлигининг суюқ шиша ва углеродли тикловчилар миқдориға боғлиқлиги келтирилган.



Брикетларда суюқ шиша миқдорининг 2 дан 8 % га ошиши билан уларнинг ғоваклиги 9 дан 16% гача пасаяди (4а-расм, 3-эгри чизиқ), шу билан бир қаторда худди шу брикетга 40% техник углерод кўшилганда ғоваклик 19 дан 21 % гача камаяди (4а-расм, 1-эгри чизиқ).

Бу натижалар брикетда суюқ шиша миқдорини кўпайтириш унинг ғоваклигини ошишига олиб келмаслигини кўрсатади. Шу билан бирга, брикетга нефт кокси (4б- расм) ва дарахт қириндиларини (5- расм) кўшиб, унинг ғоваклигини ошишига эришилади.

Ушбу тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, брикетларнинг ғоваклигини уларга кўшиладиган углеродли материал фракцияларининг размери орқали афзалроқ томонга ўзгартириш мумкин. Тикловчиларнинг фракция ўлчамлари 0,063 дан 1,5 мм гача ошириб борилганда брикет ғоваклиги 13-17% дан (4б- расм) 37-40% гача (5-расм) ошиш тенденцияси кузатилади.



5-расм. Брикет ғоваклигининг дарахт қириндилари миқдорига боғлиқлиги:

1 – брикет кварц куми ва 0,4÷0,6 мм фракцияли дарахт қириндисидан ташкил топган; 2 – 0,063÷0,4 мм; 3- 0,063÷1,5 мм.

Тадқиқот натижалари бўйича эришилган ғоваклик 40% ни ташкил қилади. Бундай етарли даражада юқори ғоваклик газўтказувчанликка, барқарор электр режимига ижобий таъсир кўрсатади ва электр энергия сарфини камайишига имконият тўғдиради.

3 % суюқ шиша кўшилиб, кварц кумларидан тайёрланган брикетлар мустаҳкамлиги, ғоваклиги ва термик турғунлиги бўйича энг оптимал бўлиб, электр ёйли печда эритиш шартларига жавоб беради ва иқтисодий нуқтаи назардан маъқул вариантдир. 1- жадвалда ФС65 ва ФС75 маркали ферросилиций олиш учун тайёрланган брикетларнинг физик-механик тавсифлари келтирилган. Техник кремний ва ферросилицийни электр ёйли печда эритиш орқали тайёрланган брикетларнинг электроэритиш жараёнларига яроқлилиги экспериментал тасдиқланди.

Техник кремний ва кремний қотишмаларини ишлаб чиқариш жараёни кўп миқдорда чанг кўринишидаги чиқинди – микрокремнезем ҳосил бўлиши билан характерланади.

Бизнинг фикримизга кўра, микрокремнеземни бевосита кремний ва кремнийли қотишмалар ишлаб чиқариш жараёнига шихтанинг кремнеземли асосий муҳим ташкил этувчиларидан бири сифатида қайтариш бу

махсулотларни ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва бир вақтнинг ўзида у билан боғлиқ бўлган экологик муаммоларни бартараф қилишга имкон беради.


1 жадвал

ФС65 ва ФС75 маркали ферросилиций эритиш учун тайёрланган брикетларнинг физик-механик параметрлари синови натижалари

Физик-механик тавсифлари	КҚ ¹	ФС65		ФС75	
		КП+Кокс ¹	КП+Кокс+Fe ¹	КП+Кокс	КП+Кокс+Fe
Механик мустаҳкамлик, кг·с/см ²	280	220	170	200	130
Говаклик, %	20,2	39,7	30,9	38,6	27,9
Термик мустаҳкамлик, °С	1450	1350	1300	1350	1300
Ташлашга мустаҳкамлик, %	100 ²	100	100	100	100

Изоҳ: ¹ - КҚ – кварц қуми; КҚ+Кокс – брикет кварц қуми ва кокс майдасидан иборат; КҚ+Кокс+Fe - брикет кварц қуми, кокс майдаси, темир қипиғидан ташкил топган. ² – «100» брикет 2 м баландликдан метал полга ташланганда майда ҳосил бўлмаслигини ва ташлашга мустаҳкамлик – 100 % эканлигини англатади.

Микрокремнеземни утилизация қилишнинг энг маъқул ечимини топиш учун, масалан, брикетлаш орқали, унинг тавсифлари ўрганилган. Ангрен шаҳридаги «Uz-Shindong Silicon» МЧЖ ҚҚ заводи ишлаб чиқариш чиқиндиларининг электрон микроскопда олинган тузилиши (6-расм) ва гранулометрик таркибини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, микрокремнеземнинг асосий қисми (91%) ўлчами 0,1-1 мкм бўлган сфероидлашган SiO₂ заррачалардан иборат.



6-расм. Ангрен заводи микрокремнеземининг ёритиш электрон микроскопида олинган тасвири

Натрийли суяқ шиша асосида кокс қолдиқлари билан брикетлаш жараёнида эътиборга олинган микрокремнеземнинг гранулометрик таркиби 2-жадвалда, унинг кимёвий таркиби эса 3-жадвалда келтирилган.

Микрокремнезем таркибининг кимёвий таҳлили шуни кўрсатдики, у асосан SiO₂ дан иборат бўлиб (3-жадвал), бу эса ушбу турдаги чиқиндини ишлаб чиқаришга қайтариш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

2-жадвал

Ферросилиций ишлаб чиқариш бўйича Ангрен шахридаги «Uz-Shindong Silicon» ҚҚ заводи микрокремнеземининг гранулометрик таркиби

Зарра размери, мкм	0.1	0.1–0.2	0.2–0.4	0.4–1.0	1.0–2.5	2.5
Таркиби, %	3.7	32.2	34.1	24.6	4.0	1.4

3-жадвал

Микрокремнеземининг кимёвий таркиби, %

SiO ₂	CaO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	K ₂ O	MgO	Na ₂ O	MnO
92,7	1,49	1,26	1,18	0,95	0,68	0,59	0,12

«Узметкомбинат» АЖ ишлаб чиқариш шароитида Ангрен шахридаги ферросилиций ишлаб чиқариш заводининг майда дисперсли чиқиндилари, шу жумладан микрокремнеземдан брикетлар тайёрланди. «Стром» илмий-тадқиқот ва синов марказида ўтказилган синов тажрибалари брикетларнинг сиқилиш ҳолатида механик мустаҳкамлиги 18,5-21,0 МПа бўлиб, электротермик ишлаб чиқариш учун қўйилган талаблардан жиддий равишда юқори эканлигини, ташлашга (зарбага) қаршилиги 96 – 97 %, ғоваклиги 32-33% ни кўрсатди. Булар ҳам ўрнатилган талабларга жавоб беради.

«Кремний ва кремнийли қотишмаларни такомиллаштирилган технологияларини синовдан ўтказиш» деб номланган бешинчи бобда саноат ва тажриба электр ёйли печларида брикетланган шихтадан фойдаланиб, техник кремний ва кремнийли қотишма - ферросилицийни эритиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Четдан олиб келинадиган дарахт кўмири масаласини ҳал қилиш доирасида углеродли тикловчи сифатида табиий газ (метан)дан фойдаланган ҳолда Заргар кони кварц томирларидан кремний тиклашнинг карботермик жараёнлари ишлаб чиқилди. Электр ёйли печда эритиш стандарт технология бўйича анъанавий тикловчилардан фойдаланилган ҳолда ва метанни электр ёйли печнинг ёниш зонасига бевосита узатиш орқали амалга оширилди. Олинган натижалар Заргар кварц томиридан кимёвий-металургик қайта ишлаш орқали поликристал кремний олиш учун яроқли бўлган Кр0 маркали ва ундан юқори сифатли кремний олиш мумкин эканлигини кўрсатди (4-жадвал).

4-жадвал

Заргар кварц томиридан стандарт технологияни қўллаб (а) ва электр ёйи ёниш зонасига метан оқимини узатиш (б) орқали олинган техник кремний кимёвий таркиби, %

	Si	Fe	Al	Ca	Mg	Mn
а)	98,30	0,66	0,38	0,21	0,180	0,069
б)	98,85÷98,89	0,41÷0,44	0,20÷0,22	0,07÷0,11	0,01÷0,02	0,03÷0,07

Эритиш натижалари қаттиқ углеродли тикловчилар метан билан алмаштирилганда маҳсулотнинг максимал тозалигига эришиш мумкин эканлигини кўрсатди.

Юқори маркали кремний олиш учун яроқли таркибида кремнезем бўлган хомашёларни аниқлаш масаласини ҳал қилиш доирасида республика кварц хомашёлари бўйича геологик хизматларнинг тўплаган маълумотлари ўрганиб чиқилди. Самарқанд шаҳри яқинида таркибида юқори SiO₂ бўлган юқори сифатли Окбуйро кварц томирлари аниқланди. Окбуйро кварц томири техник кремний олиш учун яроқлилигини электр ёйли печда эритишлар орқали ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Олинган одатдаги намуналарнинг кимёвий таҳлили ва кремнийни эритиш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвалдан кўринадики, олинган кремний тозалиги бўйича Кр00 маркали маҳсулотларга қўйиладиган ГОСТ 2169-69 талабларига тўла жавоб беради

5-жадвал

Окбуйро кварц томиридан эритилган кремний таркибининг масс-спектрометрик таҳлили

Проба	Si	Аралашмалар, %							
		Fe	Al	Ca	K	Ti	P	Mg	Mn
